



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan \* Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2019-yil 6-dekabr, juma \* № 45 (1157)

## ЙИГИРМА МИНГА ЯҚИН ШАХСНИНГ ХУҚУҚИ ТИКЛАНГАН



Ички ишлар вазирлиги таркибий ва ҳудудий бўлиmlарига жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Президентнинг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари орқали 79 775 та мурожаат келиб тушган. Шундан 76 фоизи қаноатлантирилган, 19 021 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

⇒ 3-бет



## БЕКАТНИ ШАХСИЙ ҚИЛГАН КИМ?

Дўконнинг пештоқида кимга қарашли дўкон, қандай фаолият тури билан шуғулланишини ёзиб қўйиш у ёқда турсин, атрофда тўпланиб қоладиган чиқиндилар (дўкондан чиқадиган) учун ҳатто темир қути ҳам қўймаган.

⇒ 4-бет



## БОБОМ АЙТГАН ҲИКОЯ

Туш кўрардим. Раҳматли бобом мени чақирарди. Мен бобом томонга елдек учиб боришни истардим, лекин оёқларимни тез-тез қимирлатсам ҳам жойимдан силжимаётгандек туюларди. “Абдулла, Абдулла болам. Тур, тур сени уйга олиб кетаман”. Кўзимни очсам онам ёнимда, мени чақираётган экан.

⇒ 5-бет

## • ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

### Миллионлар ўйини эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 4 декабрда “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекади.

Фармонда кўзда тутилганидек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли таълим муассасаларида футбол клублари, спорт таълим муассасалари учун спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси ва спорт диетологи йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинади. Шунингдек, 2021 йилги футбол мавсумида Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашувларда VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизими жорий этилади.

Белгиланган чора-тадбирларга кўра, 2030 йилгача умумий аҳолига нисбатан футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сони камида 5 фоизгача етказилади. Шунингдек, ФИФА рейтингига Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кучли 50 талikka киришига эришилади.

Мамлакатимизда ФИФА ва ОФК таснифига кирувчи чемпионатлар ва расмий халқаро турнирлар ташкил қилинади ва ўтказилади.

### Бизда энергия манбалари етарлими?

**ТОШКЕНТ.** Пойтахтимизда қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергетика инфратузилмаси соҳасида халқаро инвесторларнинг “RENPOWER Uzbekistan — 2019” анжумани ўтказилди. Унда маҳаллий ва хорижий экспертлар, чет эллик инвесторлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимиз энергетика тизимида амалга оширилаётган ишлар хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишига ва соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиши учун қулайлик яратиб бериш ҳақида сўз юритилди. Сўнг энергия таъминотининг қуёш, шамол, гидро ва биогазга оид лойиҳалари кўриб чиқилди. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинладиган электр энергияси улуши 2030 йилга бориб умумий электр ишлаб чиқариш қувватларининг 26 фоизини ташкил этади. Юртимизда режалаштирилган қуввати 600 МВт бўлган учта фотоэлектрик станция қуриш ва ишлатиш бўйича тендер савдоларининг ўтказилиши шу ишлар ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

### Яна бир газ қудуғи

**АНДИЖОН.** Булоқбоши туманидаги Учтепа қишлоғида жойлашган “Учтепа нефть ва газ қони”нинг 12-сонли газ қудуғи ишга тушди ва саноат миқёсида газ олинди. Бунинг натижасида Булоқбошида қўшимча 5 мингга хонадон табиий газ билан таъминланади.

Қудуқдан газ қазиб олиш ҳажми кўнлик 50-60 минг метр кубни ташкил этади. Айни пайтда газ қувурларини ётқизиш ишлари якуланиди.

### Қадим кенгта кино шаҳарчаси

**САМАРҚАНД.** Ушбу қадим ўлкада АҚШ ҳамда дунё киносаноати марказларидан бири бўлган Голливуд типидagi кино шаҳарчаси қурилади.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Оқсой ҳудудида қурилиши режалаштирилган киношаҳарча лойиҳаси “Vendo group” компанияси томонидан амалга оширилади.

— Лойиҳанинг умумий ер майдони 160 гектар бўлиб, шаҳарча “Cinema City Sollywood” номини олади. Унда замонавий кўринишдаги 3-4 юлдузли меҳмонхоналар, ресторан ва кафелар, дам олиш ва истироҳат боғлари (бульвар, тропик), аквапарк, кинотеатр, концертлар ва конференциялар ўтказиладиган заллар барпо этилади, — дейди лойиҳа муаллифи Х.Мамасолиев.

Ўз мухбирларимиз.

## ► Мужда



## Матбаачилар ва ноширларни тайёрлайдиган муҳим маскан

Куни кеча, аниқроғи 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидаги Ноширлик яъни матбаа соҳасида мутахассисларни тайёрлаш коллежининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Бугун Агентлигимиз тасарруфидаги Ноширлик коллежи биноси ўқувчилар учун фойдаланишга топширилмоқда. Коллеж келгусида етук матбаачилар ва ноширларни тайёрлайдиган муҳим масканга айланади, деб ишонаман, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бош директори Комил Алламжонов. Муассаса 540 ўқувчига мўлжал-

ланган бўлиб, бинолар тўлиқ қару-қўлдан таъмирдан чиқарилди. Халқаро таълим стандартларига мос шарт-шароитлар яратилди. Ахборот-ресурс маркази, дарсхоналар ва ўқув лабораториялари ҳамда спорт зали замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Ушбу даргоҳ келажакда ёшларнинг дунё стандартлари даражасида илм олиши ва етук мутахассис бўлиб етишиши учун энг илгор технологиялар билан таъминланди ҳамда улар ўта за-

монавий ўқув услуби асосида билим олиш имконига эга бўлишадиган, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Саида Мирзиёева.

Эндиликда “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, Фафур Фулом номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси мазкур ўқув муассасанинг ҳамкорлари этиб белгиланди. Энг муҳими, ушбу коллежда таълим ва хўнара ўргатувчи ёшлар назарий билимларини юқоридаги корхоналарда амалиётда синаб кўришади.

Ўз мухбиримиз.

## ► Афсус



Дунёда ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари пора учун “узатилади”ми?... 4

## ► Муносабат

### Мен не дейман-у, қўбизим не дейди?

Тил — худди ҳаётнинг ўзидек ўзгарувчан, у замон ва маконга мослаша боради. Шevalар ҳам, қолаверса, унинг расмий, адабий, сўзлашув каби турлари ҳам бунинг яққол исботидир.

Қадимда туркий тил сифатида барча туркийзабон элу элатларга бирдек тушунарли бўлган алоқа воситаси кейинчалик миллий тиллар шаклида бир-бирдан кескин фарқлана борди. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир газалидаги «Баҳор айёмидур, даги йигитликнинг овонидур...» сатрини ҳозирги ўзбек адабий тили доирасида мағзини чақиш, у қадар мушкул бўлмаса-да, лекин тушуниб олиш осон эмас. Ҳолбуки, айрим қардош туркийзабон миллатларда «даги» («яна», «бунинг устига» каби маъноларда), «овон» («ҳавас», «майил» маъноларида) каби сўзлар қўлланилади.

Замон ва макон билан боғлиқ бундай ўзгаришлар адабий тилимизнинг яқин ўтмишида ҳам яққол кўринади. Айтайлик, Абдулла Қодирий билан Ойбек асарлари ёки Чўлпон билан Абдулла Орипов асарлари тилларида катта фарқ кузатилади. Бу замон ва макон билан боғлиқ ҳаётий жараёнлардир.

Тил ўзгарувчан экан, демек, уни қолипга солиб турадиган мезёр, бу имло қоидаларидир. 5

## ► Молия муассасаларида



### “BRAUS” — бугунги бозор талаби

АТБ “Туронбанк” кредитлари ушбу бренд остидаги гипсокартонларни минтақада харидорғир қилди

Бугунги кунда мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланиб бормоқда. Замонавий қиёфа касб этган йирик иншоотлар, кўприк ва йўллар шаҳару кентларимизга чирой бахш этипти. Шунга монанд сўнгги йилларда республикамизда қурилишнинг етакчи технологиялари талабларига ва халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий қурилиш ҳамда пардозлаш ашёларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Масалан, турли гипсокартон плиталари, қуруқ аралашмалар, замонавий том усти материаллари, иссиқликка чидамли полимер қувурлар, керамика ва плиткалар, «сандвич» панеллар, базальт толалар ва арматура шулар жумласидандир. 4

## ОБУНА — 2020



### Келгуси йил учун обуна давом этмоқда.

Азиз юртошлар, “HURRIYAT” га ошно юраклар — сеvimли нашрингизга обуна бўлинг! “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.



# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИМИЗ “ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИ” ПРИНЦИПЛАРИГА ЎТИШНИ ИСТАЙДИ

“Адолат” социал-демократик партияси ўз сайловли дастурида энг муҳим соҳа ва устувор вазифаларни қамраб олишга интилади. Улардан бири иқтисодиёт соҳасидир. Сиз-у бизга маълумки, мазкур соҳа ривожисиз юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДП барқарор иқтисодий ўсишга халқимиз даромадини изчил оширишнинг муҳим омили сифатида қарайди. Дастурида кичик бизнесни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деган гоёни илгари сурганимиз. Унда яна қандай ташаббуслар мужассам, дейсизми? Қуйида партиянинг юртимиз истиқболдаги иқтисодий ислохотлари юзасидан олдига қўйган энг муҳим вазифа ва йўналишлари хусусида мухтасар сўз юритилади.

## Адолатли жамият ҳуқуқий нормаларга таянади

**Фарход ИШАНКУЛОВ,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Истиқолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, очик сиёсат олиб бориш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган эди. Жаҳонда тараққиётнинг “Ўзбек модели” деб ном олган стратегия асосида давлат ва жамият қурилишининг беш тамойили илгари сурилди. Биз бугун бу ислохотлар натижаларини дунёга қарашимиз, ҳаётга муносабатимиз ҳамда турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда кўриб турибмиз.



Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон 28 йил мобайнида иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, собиқ иттифок таркибда аҳолининг ҳаёт даражасини ифодаладиган кўрсаткичлар буйича энг охириги ўринда, таъбир жоиз бўлса, жар ёқасида турган ўлкадан тез ва барқарор суръатлар билан, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан ривож топаётган мамлакатга айлангани халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Бугун юртимизда инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар”, деган тамойили илгари суриши ва бунга бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлангани ҳам айнан шу мазмун-моҳият муҳассамдир. Мазкур принцип ижроси ўлароқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсат одамлар ҳаётига янги мазмун бахш этмоқда. Хусусан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда янгиланган намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурнинг қабул қилингани одамлар қалбида яшаш ва ишлашга бўлган қарашларни ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам “Ижтимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демократия” деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ҳамда малакасида келиб чиқиб меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатнинг миқдори ва сифати яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш тарафдоридир.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари “бизнинг энг олий мақсадимиз одамларимизни рози қилиш” дея тақдор ва тақдор таъкидлаб келмоқда. Халқона ва самимий айтилган бу сўз аслида мамлакат ижтимоий сиёсатини белгилаб беради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўтган қисқа вақт ичинда юртимизда қандай оламшумул воқеалар юз берди. Тарихий ўзгаришлар шарофати билан давлат халққа яқинлашди, у энди халқ учун ишлаш бошлади.

Партиянинг сайловли дастурида “Бизнинг олий мақсадимиз — ахлоқий ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Биз адолатли ва самарали сиёсат билан бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз. Адолатлик — даромадлар, мулк ва ҳокимиятни тақсимлашда кўпроқ тенгликни талаб қилади” гоёсини илгари суради.

Авалло, адолатли иқтисодиёт ҳуқуқий нормаларга бориб тақалади. Янги-янги соҳалар мамлакатимизга кириб келмоқда. Шунга монанд равишда қонунчилик такомиллаштирилиб борилаётган. Масалан, Атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ишларни олайлик. Бу борада нафақат қонунчилик янгиланди, балки амалий ишлар ҳам ўтирди. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Мустақил бўлганимиз учун ҳам ўз тилимиз, динимиз, иқтисодий йўлимиз бор. Яъни мамлакатимиз иқтисодиётини таъминлаш учун қайси соҳаларни ривожлантириш керак бўлса, буларни биз ўзимиз ҳал қилиш имкониятига эга бўлдик. Айнан иқтисодий мустақиллик бу мамлакатнинг мустақил давлат сифатидан олинган муҳим омилидир саналади. Қачонки давлат ўзини тўлақонли мустақил деб билиши бу унинг тўлақонли иқтисодий мустақиллигиндан келиб чиқади.

## Иқтисодий омиллари ишга тушириб юборадиган янги механизмлар даркор

**Мухиддин МАМАТОВ,**  
Бойсун тумани “Файз Раъз” фермер ҳўжалиги раҳбари,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратишда устувор ислохотлар амалга ошириляпти. Шу суръатлар билан борадиган бўлса, хали яна қанчадан-қанча янги шахарлар бунёд этилади. Энди қад кўтарётган йирик қорхоналар (Марказий Осиёдаги ягона атом электрстанцияси ва бошқа шахар шакллантирувчи қорхоналар) атрофида ана шундай обод шахар, қишлоқлар гузарлар пайдо бўлади.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятидаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ кони базасида 2018-2022 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда йилга 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод қурилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг жами 2 минг 200

**Бахтиёр МАТЕКУБОВ,**  
Богот тумани “Бахт — ҳаракат меваси” МЧЖ раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Президентимиз белгилаб берган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак” деган устувор тамойил асосида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат натижасини ҳар жабҳада кўришимиз мумкин. Зеро, бугун дунё микросида доғруғи оғиб бораётган Ўзбекистон равақига учун, бу давлат халқи розилиги учун фидокорона меҳнат қилиш, ёниб ишлаш, Президент амалга ошираётган янги босқичдаги ислохотлар рўёби йўлида жон қуйдириш, ватанпарвар ва содиқ бўлиб астойдил тер тўкиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Адолатлик — даромадлар, мулк ва ҳокимиятни тақсимлашда кўпроқ тенгликни талаб қилади. Партия ортинча ҳашамат учун солиқни жорий қилиш, солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини ўрнатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилишни тақлиф этади. Шунингдек, айрим қорхоналар учун махсус имтиёзлар беришни маълумламайди, чунки бу эркин рақобатни чеклайди. Шунинг учун имтиёзлар солиқдан озод қилиш кўринишида эмас, балки бюджетга тўловларни амалга оширишдан озод қилиш кўринишида берилиши кераклиги айтиб ўтилган.

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати, аввало бюджетга боғлиқ. Бугунги кунда давлат даромадига ундириладиган

## Ахлоқий ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эришамиз



барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ундирувлар)нинг бир қисми ИИБ, Адлия вазирлиги, Прокуратура ва бошқа давлат органларига тўғридан-тўғри берилиши бюджетни тўлдириши мумкин бўлган маблағлар ҳисобига шу идораларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетишига, айна вақтда маблағга зарурати бўлган таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳаларнинг маблағ тақчиллигига сабаб бўлади. Энг хавфли томони, бюджетга тушириладиган даромад ҳисобига бойлик орттирадиган идоралар бу маблағларни назоратсиз ишлатиш имконига эга бўлади. Бу ички коррупциянинг ривожланишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб,

партия давлатга ундириладиган барча суммалар (жарималар, давлат божлари, пошлиналар ва бошқа ундирувлар) тўлиқ давлат бюджетига тушиши ва сўнгра тегишли идораларга тақсимланиши бўйича қонунларга ўзгартиришлар киритилиши ва уларнинг амалга оширилишини айтиб ўтган. Шунингдек, партия давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш тарафдори ҳамдир.

Янги, “ақли”, инновацион технологияларга асосланган иқтисод — мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши асоси ва гаровидир. Бунда инновацияларни яратиш жараёни, инновацион иқтисодиёт ва биллимли иқтисодиёга ўтиш, уларни яратувчилар учун салмоқли молиявий харажатлар билан боғлиқ. Ушбу соҳадаги лойиҳаларга давлат ресурслари билан бирга, хусусий сектор ва аҳоли маблағларини жалб қилиш даркор. Дастурда илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва самардорлигини ошириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича давлат инновацион сиёсатини қўллаб-қувватлаш масаласи таъкидланган. Рақамли технологиялар базасида иқтисоднинг барча соҳаларини янгилашга кўлашчи “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифаларимиздан биридир. Бу иқтисодиёт қувватларининг “ёруғлиқ” чиқи-

ши ва кучайиши ҳисобига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизга ошишини таъминлашга имкон беради.

Инсон ҳаётининг сифати у яшаётган атроф-муҳит шароитига вобаста боғлиқ. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Биз миллий иқтисодимизнинг “тўртинчи саноят инқилоби” принципларига ўтиши тарафдоримиз. Ушбу дастур қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш, янги манбаларни излаб топиш, бир вақтнинг ўзида табиатга босим ўтказмай туриб, иқтисодни ривожлантириш нукталарини топишга асосланади.

Маълумки, иқтисодиётни равақ топтириш учун фуқароларни иш билан таъминлаш, иш ўрнини қўпайтириш ҳамда тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафига қўшилиш учун давлатимиз, аввало, ўтиш даврида бош ислохотчилик вазифасини бажармоқда. Ўз-ўзини бошқарадиган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун дастлаб, давлатимиз ўзи йўл кўрсатиб, илгор ташаббусларни илгари сурмоқда. Шунингдек, юксак гоёли, интеллектуал салоҳиятли ёшларга таяниб, ўз келажagini барпо этиш учун сайё-ҳаракатлар олиб бормоқда. Албатта, келгусида ишсизликни тўлиқ бартараф этиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, иш билан таъминлаш учун жуда кўп иш ўринлари яратилади.

## Тўсиқларсиз тадбиркорлик тарафдоримиз

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси ўринбосари,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги қандай таъминланади? Аввало, жаҳон бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва товарларнинг сифати юқори бўлишида рақобатбардош иқтисодиётга эришамиз. Бу маҳсулот ва товарлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорлиқ бўлади. Харидор қанча кўпайса, маҳсулот сотилиши ҳам шунча кўпаяди. Бу эса жаҳон бозорида ўз ўрнини муносиб эгаллаш билан бирга кенаяди.

Ватанимиз ўтган асрнинг сўнгги йилларида мустақилликка эришган бўлса, XXI асрга улкан режалар билан қадам қўйди. Шўқрики, янги асрнинг 5 дан бир қисми ўтиб бораётган бўлса-да, юртимизда асрга татигулик ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг боришида сиёсий майдонга адолатпарвар гоёларини олиб чиққан ва уларни илгари сураётган Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланган коррупцияга қарши курашиш, рақобатбардош иқтисодиётга эришиш ва албатта, барча соҳаларда адолатли жамиятни барпо этиш йўлида тинимсиз курашмоқда. Бу йилги бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳам ўзининг илгор гоёларини ақс эттирган сайловли дастури билан барча жабҳада адолатли ўрнатиш, ноҳақлик ва адолатсизликка қаршам бериб, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришиш йўлидан боради.

Кичик бизнесни ривожлантириш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятига қаратилган ҳар қандай тўсиқларга мурокасиз бўлиш, инвестициявий жозибадорликни оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотларни жаддалаштиришга бўлган эътиборни янада кучайтириш давр талаби бўлиб қолмоқда.



Бундан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли руҳсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларига ер ажратиш юзасидан ҳулоса берадиган саккизта идора томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари асоссиз равишда, ойнаб чўзиб юборилиши ҳанузгача давом этмоқда. Шунингдек, уларнинг инфратузилма объектларига уланши билан боғлиқ муаммолар ҳам тўлиқ ҳал этилмаган. Шу сабабли йиғилишда мазкур ташкилотларнинг руҳсат беришга оид функциясини мувофиқлаштириш, улардаги маълумотлар базасини интеграциялаш орқали бундай “руҳсат берувчи” идоралар сонини қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Эндиликда йирик қорхоналарнинг бўш турган объектлари негизда қўшимча кичик саноят зоналари ташкил этиш, уларни электр, сув, газ, йўл ва алоқа коммуникациялари билан таъминлашга кетадиган харажатларнинг 65 фоизини давлат бюджетидан қоплаш тартиби жорий қилинади.

Жорий йил 5 августдан эътиборан эса, тадбиркорлар

Мулкларини бузиш ва ер майдонларини олиб қўйиш ишлари ун босқичда ташкил этилиб, биринчи босқичда бузилишига зарур материаллар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига киритилиб, иккинчи босқичда шахарсозлик талаблари бўйича ҳулоса тайёрланади ва унинг босқичда тегишли қарор қабул қилиниши қатъий қилиб белгилаб қўйилди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, 2017-2018 йилларда банкдан кредит олган кўплаб тадбиркорларнинг лойиҳалари бўйича ер ажратиш, инфратузилмага уланши, руҳсатнома олиш, дастгоҳларни келтириш ва бошқа турли масалаларга доир муаммолар борлиги сабабли ушбу лойиҳалар амалга оширилмай қолмоқда ва бунинг натижасида берилган кредитларнинг қайтарилишида муаммолар юзага келмоқда.

Шу боис, муаммолари бўлгани учун тўлиқ амалга оширилмаётган лойиҳалар аниқлаштириш ва бу борада тижорат банклари ҳам иш услубини тубдан ўзгартириб, ўз мижозлари билан ҳақиқий маънода бизнес-ҳамкор сифатида ишлаши кераклиги таъкидлаб ўтилади.

Бу борада шуни алоҳида қайд этиш керакки, Халқаро кредит линиялари маблағларини тадбиркорлик соҳасига кенгроқ жалб қилиш, уларни ўлаштириш борасида ҳар бир ҳудуд кесимида тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатмалар берилиб, бу кредитларнинг йўналишлари ва шартлари тўғрисида ҳар бир мижозга тўлиқ маълумот бериб бориш зарурлиги қайд этилди.

Фикримизча, бу топшириқ ижроси юзасидан тижорат банклари ўртасида “Тадбиркорлар муаммосини тезликда бартараф этган ва Халқаро кредит линиялари маблағларини тадбиркорлик соҳасига энг кўп жалб қилган банк”ни аниқлаш тизими (мусобақа) ташкил қилиниши ва рағбатлантиришлар биланлиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биз иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютимиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва сугурта тизимларини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Қўкон, Ургут ва Фиждувон шахар ва туманларида янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2018 йил 28 декабр кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида шундай деди: “Биз иқтисодиётимизга сарможа киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришимиз мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноят зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим”.

Кейин бу сиёсат янада ил-

дам суръатлар билан давом эттирилди ва 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” дея эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг стратегик ривожланиш дастурида қайд қилинганидек, олдinda машаққатли меҳнат, янгиликка қараб интилиш, аҳоли турмуш шароитини кўтариш каби кўплаб масъулиятли вазифалар турибди. Бунинг учун эса катта иқтисодий омиллар ва уларни ишга тушириб юборадиган янги механизмлар даркор. Ана шулардан бири эркин иқтисодий зоналардир. Улар ташкил этилган, йирик сармоядорлар, трансмиллий компаниялар, тараққий қилган давлатлар хомашёга бой, ишчи кучи арзон бўлган мамлакатларга инвестициялар кирита бошлади.

Азиз юртдошлар! Ўзбекистон Адолат социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, асло адашмаган бўласиз!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ахборот хуружлари ва мафкуравий тахдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда давлат органлари ва уларнинг ахборот хизматлари билан узвий ҳамкорлик қилиш ва улардан тизимли равишда статистик, таҳлилий ва бошқа турдаги маълумотларни олиш;

бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши учун юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий ва маданий ривожланишига оид маълумотлар (ахборот, фото ва видео материаллар) базасини шакллантириш;

ўқувчилар учун қўлай ва қизиқarli шаклда Ўзбекистон халқининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, мамлакатнинг кўп йиллик тарихи ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

юртимизда юз бераётган ўзгаришларни дунёга кенг тарқатиш, жаҳонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида мамлакатимиз аҳолисига тезкор ахборот етказиб бериш, хориждаги ахборот агентликлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари, медиа-тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ЎЗА ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ахборот бўйича фуқароларда ҳолис фикрни шакллантириш, уларга ахборот-таҳлилий, шу жумладан, аудио ва видео ахборотлар етказиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида **ЎЗА таркибига Медиа марказ ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.**

**Куйидагилар Медиа марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

ахборот-таҳлилий ва мультимедиа материаллар, эшиттириш ва кўрсатувлар, воқеа жойидан онлайн репортажлар тайёрлаш, аудио ва видео материаллари қайта ишлаш, уларни ЎЗАнинг веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларига белгиланган тартибда етказиб бериш;

ахборотни қайта ишлаш ва тарқатишнинг замонавий усулларидан, жумладан, инфографика, моушн-графика, ижтимоий ролик, 360 форматдаги видео ва бошқалардан кенг фойдаланиш;

давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. **ЎЗА ҳузурида унинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш бўйича Маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда — Маслаҳат кенгаши) тузилсин.

**Куйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

ЎЗА фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик фикрини таҳлил қилган ҳолда унинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда агентликнинг ахборот маконидаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ЎЗА фаолиятининг ривожланиш даражасини ўрганиш, агентликка методик тавсиялар бериш, унинг ишида юзага келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан Ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаш, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро ва хорижий ахборот агентликлари, хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик дастурларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига кўмаклашиш ва улар ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш.

5. Белгилаб қўйилсинки: Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **коллегиал орган ҳисобланади;**

Маслаҳат кенгашига ЎЗА бош директори раҳбарлик қилган ҳолда унинг таркиби оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил

экспертлардан шакллантирилади;

Маслаҳат кенгаши таркибининг **учдан бир қисми ҳар 2 йилда** янгиланиб борилади.

ЎЗА бош директори (А. Қўчимов) икки ҳафта муддатда Маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқласин.

6. Куйидагилар:

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ходимларининг умумий чекланган сони 155 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 13 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон ахборот агентлиги** (кейинги ўринларда — Қорақалпоғистон ахборот агентлиги) **ҳодимларининг умумий чекланган сони 13 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 2 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**ЎЗА томонидан 2022 йил 31 декабрга қадар четдан олиб келинганда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиладиган техника воситалари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

ЎЗА бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

ЎЗА бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари эса тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра ЎЗА бош директори ўринбосарига тенглаштирилади.

8. Куйидагилар ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. ЎЗА бош директори:

а) ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги тузилмаси штатлар сонига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгаришлар киритиш;

б) ЎЗАнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

ижодий танловлар ўтказиш, танлов иштирокчи ва ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, ЎЗАнинг ходими бўлмаган фаол муаллифларни рағбатлантириш;

ЎЗА моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан, уларга устамалар тўлаш;

зарур ҳолларда, минтақавий мухбирлик пунктларида қўшимча штат бирикларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

10. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлари ва штатлар жадвалини тасдиқласин;

**2020 йил 1 майга қадар** муддатда фойдаланувчилар учун қўлай, аудио ва видео ахборотларни тарқатиш, тарқатилаётган ахборотларни тижорат йўли билан юклаб олиш имкониятлари мавжуд бўлган **ЎЗАнинг ахборот порталини** ишга туширсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ЎЗА билан биргалликда икки ой муддатда тегишлича:

Қорақалпоғистон ахборот агентлигини жойлаштириш учун бино ажратиш ва уни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг қўшимча манбалари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ЎЗАнинг вилоятлардаги минтақавий мухбирлик пунктларини ташкил этиш учун вилоятлар марказларидан зарур шарт-шароитларга эга бинолардан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жой ажратиш, уларни белгиланган тартибда таъмирлаш ва жиҳозлаш чораларини кўриш.

12. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан, уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатига мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнининг бориши ҳақидаги тадқиқот материалларини эълон қилиб бориш учун ЎЗАга доимий равишда тақдим қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЎЗАга жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари ва халқаро ахборот агентликлари уюшмалари билан ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган амалий ёрдам кўрсатсин.

15. ЎЗА Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргалликда уч ой муддатда илгор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ЎЗАнинг ижодий ва техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2019 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарор мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир ой муддатда ЎЗА тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин.

18. ЎЗА манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Ф.Ш.Маҳмудов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 2 декабрь

### ► Анжуман

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида "Глобал ҳамкорлик — барқарор тараққиёт шarti ва кафолати" мавзuida халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

## Ҳамкорлик — тараққиёт кафолати

Автомобиль йўл комплекси соҳасидаги долзарб вазифаларни муҳокама қилиш ва иқтисодий ривожлантириш, йўллар ва иншоотлардан унумли фойдаланиш юзасидан тажриба алмашиш ҳамда истиқболли режалар тузиш мақсадида ташкил этилган анжуманда Германия, Франция, Польша, Россия, Беларус, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан ташриф буюрган етакчи олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

— Институтимизда 16 та хорижий давлатнинг 30 дан ортиқ олий таълим муассасалари билан таълим ва илмий тадқиқот йўналишида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ректори Алимжан Ришқулов. — Жорий йилнинг ўзида 22 нафар хорижлик олимлар институтимизда маҳорат дарслари, ўқув-тренинглар ўташди. 16 нафар ўқитувчи ва илмий ходимларимиз эса Австрия, Швеция, Болгария, Россия, Польша, Германия, Хитой, Япония каби давлатларда малака ошириб қайтди.

Уч кун давом этган мазкур анжуман доирасида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Альберт Фишлер иштирокида "Фан ва таълимда инновация" мавзuida семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар-тренингда Ўзбекистон Миллий ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетлари ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти олимлари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Назokat ЮСУФЖОНОВА,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Маънавият ва маърифат маркази ахборот хизмати  
масъул ходими.

### ► Айтганча

Жамиятимиздаги ўзгаришлар одамлар онгидан ҳам акс-садо беряпти. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, қимдан нима сўраб, қаерга мурожаат қилишни биладиган фуқароларимиз кўпаймоқда.

## Йигирма мингга яқин шахсининг ҳуқуқи тикланган

Биргина Ички ишлар вазирлиги таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Президентнинг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари орқали 79 775 та мурожаат келиб тушган. Шундан 76 фоизи қаноатлантирилган, 19 021 нафар шахсининг ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Хўш, юқоридаги рақамларда, асосан, қайси йўналишдаги мурожаатлар акс этган? Булар — фуқаролик, паспорт ва виза масалалари, жазони ижро этаятган маҳбуслар томонидан афв этиши сўраб ёзилган, мол-мулк ва пул маблағларини ундириш, тергов ва суриштирув органларига доир, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ички ишлар тизимига ишга жойлаштириш ёки собиқ ички ишлар ходимларининг ишга тикланиши билан боғлиқ мурожаатларни ташкил этади.

— Аҳолининг мавжуд муаммоларини ўрганиш мақсадида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст, энг олис, чекка ва тоғли туманлари ҳамда чегара ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктларида оммавий сайёр қабуллар ўтказиб келаямиз, — дейди ИИВ Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Озодбек Жўрабоев. — Шу йилнинг ўтган вақти давомида 136 марта сайёр қабул ўтказилган бўлса, жараёнда 7296 та турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушган. Улардан 2786 таси (32 фоизи) ижобий ҳал этилган. 35,6 фоизи бўйича малакали ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 162 таси қонуний асосларга кўра рад этилган, 17,5 фоизи тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилди. Ушбу қабулларда келиб тушаётган мурожаатлар кўпроқ уй-жой ва моддий ёрдам ажратиш, ички ишлар органлари хизматида қайта тиклаш ва ишга кириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш, суриштирув ва тергов ҳаракатлари, амнистия ва афв этиш каби масалаларга қаратилган. Сайёр қабуллар тасдиқланган режа асосида ташкил этилади. Уларнинг шаффофлигини таъминлаш ва аҳолининг олдиндан хабардор қилиш мақсадида ўтказилиши режалаштирилган қабулларнинг вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотларни камидан икки-уч кун аввал сайтимизда, маҳаллий ва марказий матбуотда бериб борамиз. Унда ҳар бир фуқаро қатнашиш ҳуқуқига эга.

Дарвоқе, турли сабаблар билан асоссиз жавобгарликка тортилган деб топилиб, улар бўйича оқлов ҳуқуқлари чиқарилган ва хозирги вақтда ички ишлар органлари олдида қўйилган вазифаларни бажара олиши мумкин, дея ҳисобланган собиқ ходимларнинг 200 нафарга яқини ишга қайта тикланган.

Кучи кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди ва юқоридаги масалаларга оид кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

Кучи кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди ва юқоридаги масалаларга оид кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

Кучи кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди ва юқоридаги масалаларга оид кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

Кучи кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди ва юқоридаги масалаларга оид кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

Феруза РАХИМОВА

Х. АХМАДЖОНОВА

### ► Огоҳлик

## ҲАЁТИНГИЗ ХАВҒДА ҚОЛМАСИН

Кунлар совиши билан оммавий ахборот воситаларида ис газидан заҳарланган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар, хабарлар кўпайди. Мудҳиш тарқатмадан бир қалқиб олсак-да, негадир у қадар парво қилмаймиз. Ис газидан сақланиш учун етарли шароит яратишга эса шошилмаймиз...

Ис гази ва бошқа фавқуллода ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотлар тадбирлар, учрашувлар ўтказмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Аҳоли ва ҳудудларни фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш ойлари"га бағишланган матбуот анжумани бўлди.

Анжуманда Фавқуллода вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, "Худудгазаъминот" АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмиталари, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Ҳаво совиши билан аҳоли наҳдандар газ қурилмаларидан ҳам фойдалана бошлайди. Шунингдек,

уйда қўлбола ускуна консервалланган маҳсулотларни истеъмол қилиш кўпаяди. Натижада, заҳарланишнинг оғир ҳолатлари хавф солиши кузатиляпти. Бундай ҳолатлар эса биздан фуқароларимиз саломатлиги муҳофазаси йўлида амалий тадбирларни ташкил этишни тақозо этади, — деди ФВВ Матбуот хизмати ходими Самандар Ҳикматуллаев.

— Ҳар йили мавсумда ОАВ орқали маълумотлар бериб боришимизга қарамай, фуқароларимиз газдан фойдаланиш қоидаларини унутадилар. Ис гази (СО) рангсиз, ҳидсиз, заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади, — дейди "Худудгазаъминот" АЖ Саноят хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Шоназар Аҳмедов. — Ис газидан заҳарланмаслик учун, биринчи навбатда, иситиш мавсуми бошланиши олдиндан печлар, қозонхоналар, сув иситиш қурилмаларининг

1 Коррупция — ижтимоий-сиёсий вайронкор куч бўлиб, у миллий иқтисодийни заифлаштирувчи, ижтимоий тенгсизликни, уюшган жиноятчиликни, халқнинг давлат бошқарув ҳокимиятига нисбатан ишонсизликни юзага келтирувчи, жамият маънавий онгини издан чиқарувчи иллатдир.

## Дунёда ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари пора учун “узатилади”ми?..

Ислом динида ҳам пора харом қилingan бўлиб, бу борада кўплаб Хадисларда келтириб ўтилган, жумладан, Пайғамбаримиз пора олган ва берган ҳамда воситачилик қилган шахсларга нисбатан: “Пора берувчига ҳам, пора олувчига ҳам, иккови ўртасида туриб воситачилик қилганга ҳам Оллоҳнинг лаънати ёғилсин”, дея бу гуноҳ қаттиқ қораланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари миқдоридан пора берилди. Натижада жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли 2,6 триллион доллар маблағидан айрилади. Бу эса жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини ташкил қилади.

Жаҳон мамлакатлари орасида коррупциянинг ёйилиш индекси ҳар йили “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан таҳлил қилиб борилади.

Ушбу ташкилотнинг 2018 йил учун индекси 180 мамлакатни қамраб олган бўлиб, олиб борилган ўрганишлар таҳлили натижасида, индекс бўйича энг кам коррупциялашган давлатлар қаторига Дания ва Янги Зеландия киритилган бўлса, энг кўп коррупциялашган ва кўрсаткичлар 10 дан 13 гача бўлган мамлакатлар сифатида Сомали, Сурия ва Жанубий Судан кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда ҳам мушаккил йилларида баъзи мансабдорларнинг тadbиркорлар ва фермер хўжаликлари мулкларига таъмағирлик кўзи билан

қараши, банкдан кредит олиши йўлига сунъий тўсиқлар қўйилиши замирида коррупциявий манфаатлар ётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, олий таълим муассасаси, танлов юқори бўлган коллеж ва лицейларга ўқишга киришда, таълимни ўзлаштириш оралиқларида зарурий балларни тўллашда, айрим “устоз”ларнинг таъмағирлиги, нуфузли ва маоши юқори бўлган ташкилотларга ишга киришда, турли тендерларда иштирок этиш негизидан ҳам коррупция авж олгани барчага маълум.

Мазкур иллатга қарши курашиш борасида Ўзбекистон бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилиши билан бирга, ўзининг миллий ҳуқуқий негизини шакллантириб, уларни такомиллаштириш борасида муайян ишларни олиб бормоқда.

Жумладан, жамиятда коррупцияни камайтиришда “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги қонуннинг роли эътиборга олиниб, қонун асосида яратилган ахборот алмашинув тизими барча бошқарув ташкилотларида жорий қилиниб, 100 дан ортиқ давлат хизматлари электронлаштирилди.

Аммо жамиятда ҳар бир шахснинг қонунларга риоя этиши, имон ва эътиқод билан яшашигина ушбу иллатга барҳам беришини таъминлайди.

**Л.ХУЖАКУЛОВ,**  
“Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган боғжона комплексни ҳодими.



Суратда: “шахсийлаштирилган” бекатнинг кўриниши

Юртимизда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истовчиларга давлатимиз томонидан бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Лекин ана шу имтиёزلардан нотўғри фойдаланиб, тартиб-қоидаларга амал қилмаётганлар ҳам бор.

## Бекатни шахсий қилган ким?

Тошкент давлат Аграр университети рўпарасида жойлашган Қибрай тумани ҳудудига қарашли автобекатни хусусийлаштириб, савдо фаолияти билан шуғулланаётган тadbиркор бир қарасанг “бир зумда” лаваш емақонаси, бироз фурсатдан сўнг компьютер хизмати хонасига айлантирди. Бугунга келиб маиший техникаларни кредитга бериш дўкончаси ташкил этиб, бекатни буткул “ўзиники” қилиб олгани ажабланарди.

Аҳолига маиший техникаларни кредитга бераётгани яқини, лекин бекатни батамом ёпиқ ҳолга келтириб, йўловчилар учун қилинган шароитни унутиб қўйганини тушуниш қийин. Бекатни хоҳласа очди, хоҳлаганда қўйлайди. Йўловчилар бекат ичкарасига кира олмайди. Қишнинг қаҳратонида қариялар, ёш болали оналар тик оёқда автобус кутишга мажбур бўлишмоқда.

Дўконнинг пештоқида кимга қарашли дўкон, қандай фаолият тури билан шуғулланишини ёзиб қўйиш у ёқда турсин, атрофда тўпланиб қоладиган чиқиндилар (дўкондан чиқадиган) учун ҳатто темир кути ҳам қўйилмаган. Ахир бекатларда савдо фаолияти билан шуғулланувчи тadbиркорга мутасаддилар аввал зарур

қоидаларга амал қилиши лозимлигини тушуниришмайди?

“Тушуниш”ни истамаган ёки хохламайдиган бундай шоввозларга тегишли чора қўрилмайди?

Умуман, фақат ўз манфаати йўлида аҳолига ноқулайликлар келтираётган, бекатни “шахсийлаштирган” бу ўзбошимча ким? Қибрай тумани ҳокимлиги ва Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти масъулларининг бундан хабарлари йўқми? Ёки ўзлари бунга рухсат бериб қўйибдиларми?

**Ҳикматулло ҚОДИРОВ.**

## Тақдимот

Кейинги йилларда мамлакатимиз банклари томонидан тез, сифатли ва замон талабларига мос равишда хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора ошиб, мушаккамлашиб бормоқда.

## Эндиликда Россиядан пул жўнатиш осон ва қулай

Ўз олдида юксак мақсадларни қўйган ва ўз мижозларига кенг имкониятлар эшигини очётган “Агробанк” АТБ республикамизда биринчи бўлиб йўлга қўйилган “Сбербанк-Агробанк онлайн пул ўтказмалар” — янги хизмат тури тақдимотини ўтказди.



Тақдимотда оммавий ахборот воситалари вакиллари, банк мижозлари ва ҳамкорлари, тижорат банклари вакиллари иштирок этишди.

— Ушбу хизмат Россия ва Ўзбекистондаги иккита йирик банклар “Агробанк” ва “Сбербанк”ларнинг ҳамкорлиги доирасида ишлаб чиқилиб, жорий қилинди. Эндиликда Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари кунига 24 соат давомида ишлайди ҳамда дам олиш кунлари ҳам мушоаат қилиш мумкин, — дейди банкнинг Бошқарув раиси ўринбосари Азамат Тўраев.

Ўзингизга маълум Россиядан Ўзбекистонга пул юбориш алоҳида вақт талаб этадиган жараён бўлиб, бунда пулни жўнатувчи аввал картадаги пулни олиб, кейин энг яқин банк бўлимига ташриф буюрган ҳолда пул ўтказмаси тизимидан фойдаланар эди. Ўз навбатида, маблағни олувчи ўзига энг яқин банк филиалини топиши ҳамда банк иш куниди олиши мумкин эди.

Янги хизмат турида бу жараён автоматлаштирилган бўлиб, Россиядаги барча “Сбербанк” филиалларида ва “Сбербанк Онлайн” мобил иловаси орқали амалга оширилади ва маблағлар мобил илова орқали Россия рублини автоматик равишда олувчининг (“Агробанк”) пластик картасига сўмда ўтказилади.

Ушбу хизмат тури яна такомиллашади, “P2P” хизмати ёрдамида маблағларни “Агробанк” пластик карталаридан “Сбербанк” пластик карталарига ўтказиш йўлга қўйилади.

“Агробанк” томонидан бугунги кунда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, доимий равишда уларнинг талаб ва истақларидан келиб чиққан ҳолда замонавий янги банк хизматларини жорий қилиш янада тақомиллаштирилмоқда.

**Ўз муҳбиримиз.**

Реклама ҳуқуқи асосида

## “BRAUS” — бугунги бозор талаби

1 Бундай фаол жараёнлар натижасида ярим тайёр маҳсулотлар ва хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли корхоналар сони сезиларли тарзда кўпаймоқда. Айни йўналишда ишбилармонлик билан шуғулланиш истагида бўлган ташаббускорларнинг сафи ҳам кенгайиб борапти.


“Туронбанк” АТБнинг Яшнобод филиали мижози бўлган “Progress board” МЧЖ ҳам 2016 йилдан буён қурилиш материалла-

ри ишлаб чиқаришни йўлга қўйган муваффақиятли корхоналардан биридир.

Ҳозирги вақтда бу ерда замонавий таъмирлаш ишларида кенг қўлланиладиган, универсал пардозлаш маҳсулоти ҳисобланмиш “Braus” бренди остидаги гипсокартонлар йилига 350-400 минг донадан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу қувватга эришиши учун корхона “Туронбанк”нинг 3,8 миллиард сўмлик молиявий кўмагидан самарали фойдаланди. Ажратилган кредит эвазига немис технологиялари жалб қилиниб, цемент ташувчи

юк машинаси харид қилинди. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортиб, сифати жаҳон стандартларига мослаштирилди. Аҳамиятлиси, улардан деворлар ва шифтларни қоплаш, хоналараро тўсиқлар ўрнатиш, манзарали ва товуш ютувчи буюмлар ҳамда бошқа конструкцияларни жойлаштиришда кенг фойдаланиш мумкинлигидир.

Айтиш керакки, “Braus” гипсокартонлари хонадаги намлик даражасини барқарорлаштириш имконини бериб, идеал даражадаги текислик ёки сувоқ тор-



тишдан олдин маҳсус манипуляцияларни талаб этмайди. У ўзининг чидамлилиги билан бошқа шу турдаги маҳсулотлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки қўшни давлатлар ҳам ушбу брендининг доимий харидоридир. Бугунги худди шундай ишончли ҳамкорлик Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари билан ўрнатилган.

— Бизнинг гипсокартон маҳсулотимиз қийин ёнадиган материаллар гуруҳига киради, намликдан қўшимча химоялаш чоралари мавжудлиги, қуруқ ва нормал режимли бинолар ва хоналарда эркин қўлланилиши билан ажралиб туради. — дейди “Progress board” МЧЖ раҳбари Ҳожиакбар Толқунов. — Бугунги кунда корхонамизда қалинлиги 8 мм., 9,5 мм., 11 мм., 12,5 мм. ўлчамли

Айтиш керакки, “Braus” гипсокартонлари хонадаги намлик даражасини барқарорлаштириш имконини бериб, идеал даражадаги текислик ёки сувоқ тортишдан олдин маҳсус манипуляцияларни талаб этмайди. У ўзининг чидамлилиги билан бошқа шу турдаги маҳсулотлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки қўшни давлатлар ҳам ушбу брендининг доимий харидоридир. Бугунги худди шундай ишончли ҳамкорлик Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари билан ўрнатилган.

ва 1,20 x 2,50 м (3м2) деворлар ички юзаларини пардозлаш учун ишлатиладиган гипсокартонлар тайёрланмоқда. Барчаси мувофиқлик сертификатига эгадир. Албатта, бундай юқори сифатга сўнгги русумда-

ги замонавий технологияларсиз эришиш қийин. Уларни харид қилишда эса бизга “Туронбанк” АТБ яқиндан кўмак берди. Молия муассасасининг кредити эвазига олиб келинган ускуналар иш самара-

рига йўналтирилаётган мақсадли сармоялар ҳамда кичик бизнес вакилларига ажратилаётган кредит маблағлари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Х. ФАЙЗИЕВА.**



Хизматлар лицензияланган.

# Мен не дейман-у, қўбизим не дейди?

Хозир амалда бўлган адабий тилимиз, адашмасам, 1995 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га асосланади. Ушбу имло қоидаларида ҳарфлар имлодан тортиб, унлилар, ундошлар, асос ва қўшимчалар имлога қўшиб ёзиш, ажратиш ёзиш, чиқишча билан ёзиш, бош ҳарф имлоси, шунингдек, кўчириб ёзиш қоидаларига кўрсатилган.

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарорига илова сифатида газеталарда ҳам эълон қилинган («Маърифат» газетаси, 1995 йил 6 сентябрь сони).

Аmmo бу қоидалардан кимлардир беҳабарга ўхшайди. Бундай беҳабарлар орасида, ҳатто, айрим адабиётшунос, тилшунос олимлар ҳам борлиги кишини таажубга солади. Янада ажабланирми, бу тоифа олимлар уша қоидалардан кўз юмган (балки, рад этган) ҳолда ўзларича «янги қоидалар» яратишга уринадилар ва ўзгаларни айнан улар даъво қилаётган имлода ёзиш ва ўқишга ундайдилар. Жумладан, филология фанлари номзоди Султонмурод Олим худди шундай йўл тутди. Унинг «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2019 йил 17 июндаги 55-сонинда эълон қилинган «Туманларимиз номлари қандай ёзилиши керак?» (даъво қаранг!) сарлавҳали мақоласи бунга аққол мисолдир.

«...мустақиллик йилларида жой номларига муносабат халқимиз ва давлатимиз учун ўта муҳим миллий масалага айланди. Деярли барча жой номлари қайта кўриб чиқилди, кўплари тарихийликка асосланган ҳолда ва миллий тайнатимиздан келиб чиқиб, қайта номланди. Бироқ бу борада ҳали тўла ҳал этилмаган муаммоларимиз талайгина», дея куйинчаклик билдирган олим бирданига «...Аmmo бошқа муаммоларга дуч келдик: Юқоричирчиқ, Уртачирчиқ, Куйичирчиқ туманлари номлари ўзбек тилидаги матнларда турлича ёзилапти», дея муаммо кўтарди ва дабдурустдан «Бироқ агар қандайсўз жой номига айланган бўлса, уни қўшиб ёзишдан бошқа йўл йўқ...» дея қатъий ҳукм (ҳа, ҳулоса эмас, ҳукм) чиқарди. Бунинг исботи тариқасида эса Сирдарё, Қашқадарё, Каттакўрғон, Яккасарой, Қўрғонтепа каби жой номларини келтирди.

«Ана энди табиий равишда савол келиб чиқади, — дея ёзади муаллиф ўз иддаосини ривожлантириб. — Нима учун бир вилоятда «Бекобод», «Оққўрғон», «Паркент», «Пискент», «Янгийўл», «Фазалкент» сўзларини қўшиб ёзамиз-у, «Чирчиқ» сўзи иштирокидаги уч туман номини ажратиб ёзишимиз керак? Икки хилликка мажбур қиладиган қандай жиҳидий асос бор? Ҳеч қандай асос йўқ эканини, демак, масала ҳал: буларни ҳам «Юқоричирчиқ», «Уртачирчиқ», «Куйичирчиқ» шаклида қўшиб ёзиш зарур, васалом!»

Мана, олим («учённый», демокимиз) чиқарган қатъий фикр!

Эслайсизми, шундай гап бўларди: «Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!»

Олимимиз ҳам қатъий ҳукм чиқараптиларки, гўё ҳеч кимнинг шикоят ёки эътироз билдиришга ҳаққи йўқдек. У ҳолда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» нима бўлади? Ушбу қоидаларнинг 47-бандини ўқиймиз:

«Иккинчи қисми турдош от билан ёки «obod» сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: Yangiyo'l, To'rtko'l, Mirzacho'l, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: O'rta Osiyo, Ko'hna Urganch, O'rta Chirchiq каби.»

Демак, иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ва икки қисми (атоқли от бўлгани учун бош ҳарф билан) ажратиб ёзилади.

Бу қоида-ку, баъзиларни истисно қилганда, кундек равшан. Бунинг устига имло қоидалари ижодкорлари келиб-келиб айнан «Урта Чирчиқ» сўзини мисол қилиб олади-ларми-а?! Бу Султонмурод Олимга каттиқ тегмайди, ахир? У кишининг «...қўшиб ёзиш зарур, васалом», дея чиқарган «ҳукм»лари нима бўлади?!

Йўқ, у киши ён бермайдилар:

«Аmmo масалада яна бир назик жиҳат бор. Агар бирор жойга киши номи қўйилган ва у икки сўздан ташкил топган бўлса, буларни ажратиб ёзишдан бошқа йўл қолмайди, — дея мулоҳаза юритар экан муаллиф, — «юқори», «ўрта» ва «қуйи» сўзлари ҳам, «Чирчиқ» сўзи ҳам киши номи эмас (?). Шунинг учун тил қоидалари бу уч жой номини қўшиб ёзишни ҳар томонлама тақозо этади», деб ёзадилар қатъий ва энди ўзлари ўйлаб топган тил қоида-си асосида: «Энг оқилона йўл — шу. Келинг, шу оқилона йўлни танлайлик», дея давом этадилар ва қизиғи: мақолани эълон қилган «Тошкент ҳақиқати» газетаси бу даъватга жавобан, айрилган гапни қонун деб, шу соннинг ўзидаёқ «Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси...», «Куйичирчиқ туманида ҳам...» дея ёзади.

Ваҳоланки, мамлакатимиз ҳуқуқшунининг бош газетаси «Халқ сўзи»да ҳаммаси рисоладагидек ёзилмоқда. Масалан, «Куйи Чирчиқ» — пойтахт вилоятининг чекка туманларидан бири. Ўз номига монанд равишда у Чирчиқ дарёсининг қуйи қисмида, Сирдарё соҳилида жойлашган», деб ёзилади «Халқ сўзи» газетасининг 2019 йил 30 май сони 1-саҳифасида берилган «Янгилинишлар одамларнинг турмуши, фикри, дунёқарашини ўзгартироқда» сарлавҳали мақолада.

Агар олимимиз даъвосича, фақатгина киши номлари бош ҳарфлар билан ёзилдиган бўлса, бошқа атоқли отлар нима бўлади: киши номи билан аталмаганлиги учун «тошкент», «самарқанд», «нукус», «москва», «лондон», «марказийосий», «лотина-мерикаси» шу тахлит кичик ҳарфда; «Навоий», «Санкт-Петербург», «Вашингтон» эса бундай тартибда бош ҳарфлар билан ёзиладими?!

«Бизда қўшма сўзларни тўғри ёзиш учун нақд илмий даражага эга тилшунос бўлиш керак, — деб ёзади яна бир тилшунос, адабиётшунос Қозокбой Йўлдош «Тафаккур» журналининг 2018 йилдаги 1-сонидаги «Ўзлик қўргони» («O'zlik qo'rg'oni») мақола-сида. — Шундайми қайси тил имло қоида-сига (?) таниш зарурлигини билса! Нега бундай? Нега «Янгийўл», «Янгиер», «Қорасув», «Қорақамиш» сўзлари қўшиб ёзилган ҳолда, «Кизил Юлдуз», «Оқ тоғ», «Қора тоғ», «Улуғ тоғ», «Урта Чирчиқ», «Куйи Чирчиқ», «оқ қанд», «темир йўл», «тош йўл» сўзлари алоҳида ёзилиши керак? Ҳар қандай қўшма сўз битта сўз ҳисобланиб, бир урғу билан айтилар экан, унинг қайси сўз туркумидан ясалганига қарамай, бир сўз сифатида, яъни қўшиб ёзила, осмон узлиб ерга тушади-ми? Нега энди одам ёзаётган ҳар бир сўзи қайси туркумга мансублиги хусусида бош қотириши керак?»

Ажабо, муаллиф «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»дан беҳабарми ёки уни писанд қилмаптими? Ёки имло қоидалари ўзгариб, биз ҳеч нарсадан беҳабар қилиб кетдикмиким?

Бу олимларимиз «Марказий Осиё», «Яқин Шарқ», «Кўҳна Урганч», «Кичик Осиё», «Катта Канён», «Паст Даргом», «Дашти Қипчоқ», «Урхун Энасой» атамалари нима учун доимо ажратиб ва бош ҳарф билан ёзилиши ҳақида сира ўйлаб қўрганмикимлар? Чунки бу қўшма сўзларнинг иккинчи қисми худди «Юқори Чирчиқ», «Куйи Чирчиқ», «Урта Чирчиқ» каби атоқли отлардир. Олимларимиз эса булар ҳаде, киши номи эмас-ку, деб иддао қилавердилар.

Яна бир ўринда муаллиф: «...миллий тилни қолига солиш эмас, уни табиий ривожлантириш йўлини излаш керак», деб ёзади.

Лекин тилда қолиб — қоида бўлмаса, уни, Қозокбой Йўлдош ёзганидек, ҳар ким ўзича «ривожлантираверса», охири нима бўлади? Бу кетишда бошқа миллат вакиллари билан эмас, ҳатто ўзaro сўхбатларимизда ҳам таржимон керак бўлиб қолмайди? Аслида, ҳозир ҳам ўзaro мулоқотларда шевага хос сўзлар бўлса, қийналиб қоламиз-ку! Адабий тил мушкулликни осон, тилимизни раво қилиб турибди-ку!

Қозокбой Йўлдош яна: нарса-ҳодисаларни моҳиятидан келиб чиқиб, ўзбекча айт-вериб керак, дегандек даъват қилади.

У каби бизга «самолёт»ни «учоқ», дейишга даъват қилганлар энди «поезд», «радио», «метро», «велосипед», «инновация», «машина», «мотор», «инвестиция», «коммуникация», «компьютер» каби кўпдан-кўп замонавий атамаларни ўзбекча аташни таклиф этаётдиларми?

Юқорида келтирилган соф ўзбекча қўшма сўзларни қоида-си билан ёзишни катта муаммога айлантираётган олим «...четдан келган нарса-ҳодисани ўзбекча номлаш мумкин ва керак», деб тинмай таъкидлайди.

Ҳаётда ва фанда ҳам нимани ким топган ёки ихтиро қилган, яратган бўлса, аксарият нарса-ҳодисаларга ўшалар ном берадилар.

Футболни инглизлар ўйлаб топишган ва унга инглизча ном беришган, шахматни ихтиро қилганлар уни ўз тилларида шундай аташган.

Ўзбек миллий кураши ўзбекларники бўлгани учун «ҳалол», «ёнбош», «чала» деган ўзбекча атама ишлатилади ва инглиз ҳам, олмону япон ҳам шундай атамани ишлатади. Мана, тил қоидалари меъёрлари!

Ахир, ҳалигача ўзимиз ҳам ўзлаштириб ололмаётган ҳазилакам захирамиз, сўз ҳазинамиз борми? Ахир, Ҳазрат Навоий, Бобур Мирзо ашъор битган тилни тўлиқ биламиз, деб мақтана олмаймиз-ку! Уларни чуқур ўрганиб, тилимизни янада бойитиш ўрнига олимларимиз янги ясама сўзлар ясашни тарғиб этмоқдалар. Аввало, борини, борининг имлосини яхшилаб ўрганиб олайлик!

Хусусан, 2019 йил 4 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қароридан ҳам она тилимизнинг тарихий илдишларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, бу борадаги ишларни янги поғонага кўтарилганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Олимларимиз тилимизда ўз имло ва қоида-сига эга бўлган сўзларни бошқачасига айлантириб, йўқ жойдан муаммо ясалари, одамларни чалкаштиришлари эмас, аксинча, «адмирал», «медицина», «учоқ» каби халқаро атамалар даражасига етган ота-болаларимиз тилини чуқурроқ ва кенгроқ, оммавий тарзда тарғиб этсалар, айни мудоао бўларди. Тилнинг ривожини, бойлигини шунга ҳам боғлик.

Ажабланарли жойи шундаки, муаллиф Султонмурод Олим бундан чамаси ўн йиллар илгари ҳам шу мавзуну кўтарган ва ўша йили унинг «Туманлар номини тўғри ёзиш» номи мақоласи эълон қилинган эди («Тошкент ҳақиқати» газетаси, 2008 йил 25 октябрь сони). Шунда ҳам унга ушбу сатрлар муаллифи худди ҳозиргидек, раддия ёзган ва ўз фикрларини айтган, мулоҳазаларини «Ўзбек тилининг имло қоидалари» билан асослаган эди.

Буни қарангки, Султонмурод Олим негадир орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтиб, яна ўша эски гапларни кўтарибди. Ўша мақола, ўша иддао. Қизиғи, муаллиф ўшанда ўзига қарши келтирилган бирорта фикрга муносабат билдирмади ва айни пайтда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ҳақида ҳам лом-мим демади. Буни қандай ва нима деб тушуниш керак?

Қадида бир бахши арз-ҳолини ўлан қилиб куйласа, қўбизи қўрғур «тинғир-тинғир»дан нарига ўтмас эмиш. Бундан бахши «Мен не дейман-у, қўбизим не дейди?!» дея зорланган экан.

«Биз тил қоидалари, атоқли от, дея ҳар қанча таъкидласак-да, олим «юқори», «ўрта» ва «қуйи» сўзлари ҳам, «Чирчиқ» сўзи ҳам киши номи эмас (?)» деб ўзиникини маъқуллаб ёттибди.

Фикримча, жамиятни қонунлар бошқаргани каби тил меъёрлари ҳам қоидаларга бўйсунди.

У кимларнингдир тақлифи, даъвати ва талаби билан ўзгариб қолмайди.

**Мамъуржон БОЗОРАЛИЕВ,**  
журналист.  
*Урта Чирчиқ тумани.*

## ► Оламда нима гап?

### Мавритания соҳилида 57 нафар муҳожир ҳалок бўлди

Мавритания соҳиллари яқинда қайқнинг чўкиб кетиши оқибатида камидан 57 нафар ноқонуний муҳожир ҳалок бўлди. Бу ҳақда Мавританиянинг «АМИ» ахборот агентлиги хабар берди.

Маълум бўлишича, бортида ноқонуний муҳожирлар бўлган қайқ Испания томон йўналаётганда шикастланиши натижасида Мавританиянинг Нуадибу шахридан 25 км. узоқликда чўкиб кетган. Қутқарув амалиёти вақтида Гамбиядан келаётган қайқда 150 киши бўлган, сувдан 57 кишининг жасади чиқариб олинган.

### АҚШга янги таҳдид

Пхеньян АҚШ президенти Дональд Трампнинг АҚШ Шимолий Кореяга қарши қуролли кучларни қўллаши мумкинлиги ҳақидаги таҳдидига жавобан Шимолий Корея Вашингтон билан ярашув жуда мўртлиги ҳамда истаган вақтда барбод бўлиши ва катта қўламли урушга айланиб кетиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Бу ҳақда Шимолий Корея қуролли кучлари бош штаби бошлиғи Пак Хён Чхон: «Шимолий Корея ва АҚШ техник жиҳатдан уруш ҳолатидадир ва ярашув исталган вақтда ҳар қандай тасодиф билан катта қўламли қуролли ихтилофга айланиб кетиши мумкин», деди.

Трамп НАТО бош қотиби Йенс Столтенберг билан Лондондаги саммит арафасида учрашганда АҚШ зарурат юзга келса, Шимолий Кореяга қарши қурол қўллашга тайёрлигини айтганди.

### «Каммури» тўғрисида 17 кишининг ҳаётига зомин бўлди

Филиппинга ёприлган «Каммури» тўғрисидаги оқибатида 17 киши вафот этди. Табиий офатдан жабр кўрган худудларда қўлаб уйлар вайрон бўлган, юзлаб дарахтлар қўнорилган, электр таъминоти ва алоқа издан чиққан. 500 мингга яқин одам эвакуация қилинган.

Шамол тезлиги 165 км/соатга, кучайганда эса 275 км/соатга етган. Кучли ёмғир тошқинлар, кўчклар ва селларга айланган. Қишлоқ ҳўжалиги майдонлари сув остида қолган.

Юзлаб денгиз рейслари ва авиарейслар бекор қилинди. Пойтахт Манила аэропорти 12 соатга бичма терминалларини ёпиб қўйди.

Айни вақтда тўфон тропик довулгача кучсизланиб, Жанубий Хитой денгизи томон ҳаракатланмоқда.

### Африкалик талаба 100 йиллик жумбоқни еча олди

Лозанна политехника мактабининг (Швейцария) тўғрисидаги таълим вақтида 100 йил давомида тушунтириб берилди олимнинг физик ҳодисанинг сабабини аниқлашди.

Довудий вертикал ҳолатда турган, ичида суяклик бўлган қуурда ҳаво пуфағи газли сув бутилкаси қопқоғи очилгандаги каби юқорида кўтарилмай, жойида туришининг сабабини аниқлади.

Аниқланишича, ҳаво пуфағи аввал таҳмин қилингандек қувурга ёпишиб турмай, балки жуда секин ҳаракатланади. Бу ҳаракатни оддий кўз билан илғаб бўлмайди. Бундан ташқари, талаба пуфақ ва суяклик орасида жуда юпқа қатлам борлигини аниқлаган. Айнан шу қатламнинг кўрсаткичлари ҳавонинг юқорида кўтарилиш кўтарилмаслигига таъсир қилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

### Эълонлар

Ҳозирда Тошкент ихтисослаштирилган Маданият мактаби (собиқ Тошкент Маданият техникуми) томонида Воҳидова Дилноза Ботировна номига берилган TN 412004 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Туризм касб-ҳунара коллежи томонида 2010 йилда Пулатов Шоҳруҳбек Алишер ўғли номига берилган К№1864372 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ► Бади

Дарвозанинг олдидаги ўриндиқда ўтирган бобо нурсиз кўзларини узоқларга тикиб, сокин далани томоша қилади. Озгин елкалари худди оппоқ қўйлагини кўтариб туриши вазифини ўтаётгандай туйилади. Соч ва соқоли гўё тонги қировни эслатади.

# Бобом айтган ҳикоя


Кеч тушапти. Кун бўйи қуёш тафтидан қизиб кетган ернинг ҳовуридан ҳавода қандайдир ёқимсиз ҳид кезинади. «Ассалому алайкум, бобожон!» Уй-ҳаёлга берилган бобо қўққисдан берилган саломдан чўчиб тушди.

— Ваалайкум ассалом, ўқишдан қайтдингми, болам — деди отахон гал овозда.

— Бува, ҳозир ёшларга имтиёзли кредитлар бериляпти. Мана, дўстларим фойдаланиб, ишсиз юрган ёшларни ишли қилди. Ўзим ҳам иш излаб юрган тенгқурларимни кўрганимда: «Қани қўлимдан келса, уларга иш топиб берсам», деб юрардим.

Бобонинг нурсиз кўзлари кечки шафқадга ялтирди. Боғи ҳаёлчан нигоҳ энди қизиқувчанлик билан неварига қадалди.

— Жиззахимизнинг тоғли худудларидаги тошлардан унумли фойдаланишни ўйлапман. Мутахассислигим ҳам шу. Энди эл фаровонлиги йўлида хиссамни қўшсам дейман. Биласизми, тошларнинг хусусиятини ўрганим, ундан қурилишда ишлатиладиган



ниҳоятда бақувват ип ва юз йилда ҳам зангламайдиган қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, темир буюмлар маълум муддат ўтгач занглайди. Чидамлилик хусусиятини йўқотади. Бизнинг маҳсулотимиз эса енгил ва зангламайдиган хилданди. Хаёлларини жамлаб олган отахон гал бошлади: — Отам айтарди: «Никалай пошшонинг замони эди. Гермон билан ўрис урушиб ётарди. 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронтга олди. Бутун эл-улус қайғуда қолди. Аёллар ёш болаларини бошини силаб қон йиғлади. Эркаклар норози бўлди, халқ кўзгалди. Жиззахликлар орасида Абдурахмон жевачи деган полвон халқ-

ни тўплади. «Биз ўзга эларга бадарга қилинсак, бола-чакамизни ким боқади? Одамлар, биз ўз еримиздан бир қадам жилмаймиз! Норозилигимизни кўрсатайлик! Қўлларингизга нима илинса, ол! Кўчага чиқ!» — дейди.

Ушанда ўн ёшли бола эдим. Отам бозорга бораётганди. Ортдан эргашдим. Уришиб берди, сўнг: «Сенга бозордан нима олиб келай?» — деди. Мен: «Милтиқ олиб келинг, сизни урушга оладиганларни отаман», дедим.

Отам ҳадиқсираб ён-атрофга қаради, ҳеч зог кўринмади.

«Бу сен қиладиган иш эмас. Сен онанг, опа ва укаларингни ёнида бўл», дедию елкамга қўлини қўйди, сўнг бозорга кетди.

Кечга яқин Анзират хола келди. Ваҳима топиб келди, нима эмиш қишлоқ оқсоқоли Худоёровнинг олдида бир гала хунарманлар билан бориб, «мардикор»лар рўйхатини талаб қилибди. Рўйхатни кўришса, камбағал оила вакилларида тузилган экан. Улар қайтадан рўйхат тузишини талаб қилишса, Худоёров кўнмабди, уларни росса ҳақорат қилганмиш.

Тўполон бўлибди. Дарвозадан отам кўринди. Кун ўтиб отамнинг отишмада

ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни олдиқ.

Отахон ҳикоясини яқунлади ва анчагача жим қолди. Эркиннинг эти увишиб, ичида қандайдир галаён кўтарилди. Лекин бувасининг юзидан ҳар доимгидек паршонхотирлик ҳукмон эди. Эркин ўйларди: «Ҳа, тўғри бобом бу гаплардан таъсирланмайди, таъсирланмай бўлган. Энди нима фойда?!»

Бобо яна гапида давом этди: «Сентябрь келди. Мактабда 10 кун ҳам ўқимасимиздан, пахтага олиб чиқишди. Онам пахтага қузатгани чиқди. Катта синф болалари машина кузовига чиқиб жойлашди. Мен ва мен тенглар аввал бўҳчамизни машинага ордиқ, орқасидан ўзимиз машинага миндик. Бизга бир мактабнинг синфхонасидан жой беришди. Эрталаб директор келди.

— Уртоқлар, — деди у, — вазиёт ёмон, терим сунт кетаяпти. Бу туришда «оқ олтин»имиз ёғин-соқинга қилиб кетади. Иш кўрсатадиган вақтимиз келди!»

Катта синф болалари пичирлаб гапиришди: «Доим шундака, устимизда ёмғир бу ёқда турсин, қор ёгса ҳам пахта тердиради!»

Этаник онам ўргатгандек тақишга қанча чиранмайин эглай олмадим. Ёнимдаги катта синф боласига илтимос қилдим. У: «Мен сенга энгамамми?» — деб устимдан кўлди.

Бир вақт ортимдан шитирлаган овоз эшитилди. Хаёлимга нахот илон бўлса, деган ўй келди. Шарта бурилиб қарадим. Мактабнинг директори қаршимда турарди. «Нима терапсан ўзи? Ярни қилиб кетаяпти-ку, хумпар!» Тушунтиргунимча директорнинг қўлидаги семиз блокнот бошимга қилиб тушди. Мен пахта пояси устига йиқилдим. Пахта пояси синганини кўрган директоримизнинг фи-

**Муқаддас МАМАРАСУЛОВА**  
*Жиззах вилояти.*

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — БОШ МАҚСАДИМИЗ



Маълумотларга қараганда, ҳозирги даврда сайёрамиз экологик беқарорлик чегарасига келиб қолган. Бугунги экологик таназуул дунёнинг қайси бир қитъасида ёки минтақасида вужудга келмасин, у бутун инсониятнинг тақдирига таъсир кўрсатмоқда. Биргина Марказий Осиё минтақасида вужудга келган экологик муаммоларнинг, жумладан, Орол денгизи инқирозининг миқдоси ва кўлами экологик ҳаётнинг соғломлаштириш комплекс ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш ва сайё-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этади. Экологик муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда ялқ бор **Ўзбекистон Экологик партияси** вужудга келди. Таъсис этилган ушбу партия олдида кўлами ва моҳияти жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Партия асосий эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг умумий иши бўлишига қаратади. Қуйида яқинлашиб қолган муҳим сиёсий жараён олдида мазкур партия масъул шахслари ва депутатларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишинг.

**Садиржон ЖАКПАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳит ифлосланишини камайитиришни, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва инсон саломатлигини яхшилашни назарда тутувчи "яшил иқтисодиёт"ни илгари суради. Хусусан, ресурс тежовчи ва экологик тоза инновацион технологияларни кенг жорий этиш ташаббускор бўлади ҳамда

уни амалга оширишда фаол иштирок этади. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган "Яшил иқтисодиёт"га ўтишни устувор йўналишлари эса қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан, хусусан, қуёш, шамол, кичик сув оқимлари, геотермал ва биомасса энергиясидан фойдаланиш;

саноатнинг кўп ресурс талаб қиладиган айрим тармоқларида, энергетика, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал секторда инновацион, ресурс, энергия, сувни тежовчи ва бошқа экологик тоза технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш;

истеъмол хусусиятини йўқотгандан кейин атроф-муҳитга зарар етказадиган ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган товарлар гуруҳига экологик бадал жорий этиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини ("ифлослантирувчи тўлайди" тамойили асосида) такомиллаштириш;

"Яшил иқтисодиёт"га ўтиш мақсадларига эришиш учун инвестицияларни жалб қилиш, молиявий, моддий-техника воситаларини ва интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиш.

Бундан ташқари, партияимиз ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада тўлиқроқ қондириш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, нарх-навоининг ошиб кетиши, инфляцияга ва аҳолининг реал даромадлари тушиб кетишига олиб келувчи омилларнинг шаклланишига йўл қўймастик мақсадида "ақлли қишлоқ хўжалиги"ни кенг татбиқ этиш керак деб ҳисоблайди.

**Анвар НИЁЗОВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси Бухоро вилояти партия ташкилоти раҳбари:

— Партияимиз мамлакатимизнинг экологик сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, шунингдек, ўзининг сиёсий ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда жамиятнинг барча кучларини сафарбар этишни муҳим устувор йўналиш деб ҳисоблайди.



Албатта, жамиятимиздаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда бирдамлик зарур. Негаки, юртимизнинг ўзига хос ноёб табиатини, табиий объектларини ва маҳсулотларини, ўсимликларнинг ҳамда ҳайвонларнинг генотипини сақлаб қолишдек масалалар нечоғли долзарб эканини барчамиз ҳис этишимиз керак. Бир ўйлаб кўрайлик, табиатга бепасанд қарашимиз натижасида атроф-муҳит ифлосланмоқда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслигимиз пировардида бир қанча салбий омиллар вужудга келмоқда. Бу ўз навбатида инсон саломатлиги ва унинг ҳаётига жиддий хавф туғдираётганини кунда бўлмаса-да, кунора кўриб, эшитиб турибмиз-ку! Бунинг учун, шубҳасиз, ҳар бир фуқарода экологик маданият, экологик таълим ва тарбия шаклланиши бўлиши лозим. Бу йўлда эса партия бир нечта вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Биринчидан,** мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳаридаги экологик ҳолатни ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир лойиҳа ва дастурларни

ни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этади. Бу борада давлат ва хўжалик бошқаруви ва ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди. Уларнинг бажарилиши устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширади.

**Иккинчидан,** истиқболда ҳудудларни ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Ушбу дастурларнинг ҳар жиҳатдан экологик талабларга мувофиқлиги юзасидан кенг жамоатчиликнинг ҳулосаларини олишни йўлга қўяди.

**Учинчидан,** мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш, уларнинг юзга келишининг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишда давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг сайё-ҳаракатларини бирлаштиради.

**Тўртинчидан,** сув, табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш ҳамда ривожлантириш, ота-боболаримиз асраб-авайлаб келган она-табиатни асрашни муқаддас бурчга айлантириш ғоясини тарғиб қиладди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда **201** та туман ва шаҳарларда партия бўлимлари ташкил этилиб, жамоатчилик асосида фаолияти йўлга қўйилди. Бошланғич партия ташкилотлари сони **1000** дан ошди. Амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бугунги кунда партия аъзолари сони **247** минг нафарга яқини ташкил этмоқда. Шундан **91** минг нафарга яқини (**39%**) хотин-қизлардан иборат.

Партия томонидан **201** та туман ва шаҳарларга чиқилиб, ҳудудлардаги барча экологик муаммолар инвентаризация қилиниб, уларнинг тўлиқ рўйхати шакллантирилди. Оролбўйида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича амалга оширилган ишларга кўмаклашиш мақсадида партия фаоллари **"Оролга мадад"** - шиори остида саксовул уруғларини йиғиш бўйича хайрия ҳашарларини ташкил этди. Хоразм вилояти Боғот, Шовот, Янгиариқ туманларидаги таълим муассасаларига соатига **500** литр сувни тозалайдиган ускуналар ўрнатилди.

**Бешинчидан,** фуқароларнинг экологик масалаларга оид мурожаатларини кўриб чиқади. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал этади.

**Камол ЖУМАНИЁЗОВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси Хоразм вилояти партия ташкилоти раҳбари:

— Авваламбор, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини 30 га яқин қонунлар, 150 дан ортқ қонуности ҳужжатлари тартибга солишини айтиб ўтмоқчиман. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар асосида ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо соҳани тартибга солувчи айрим қонунлар экологик муносабатларнинг энг умумий жиҳатларини тартибга солади, холос. Ҳукумат ва идоравий ҳужжатларнинг қонунларга нисбатан юридик кучи камроқ бўлса-да, айнан улар қонунларнинг ишлаш механизмларини белгилаб берган. Амалда ҳуқуқий бўшлиқларнинг асосий қисми ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдирилган. Бу ўз навбатида соҳани юқори юридик кучга эга бўлган қонунлар билан тартибга солиш имконини бермаётган.

Шундан келиб чиқиб айтиш кераки, соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга қонунларни қабул қилиш бугунги кунда долзарб масала бўлиб турибди. Бундай камчиликларни чуқур англаган партияимиз ўз сайловолди дастурида атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, мамлакатимизда қабул қилинган халқаро норма ва қондаларга оғишмай риоя этилишини таъминлаш ҳамда мажмуавий ва тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини қабул қилишни белгилган.

Ушбу кодекснинг қабул қилиниши соҳани яхлит тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги қарама-қаршиликларни, бўшлиқларни ва "оқ доғ"ларни бартараф этишга олиб келади.

Партияимиз миллий манфаатларга мос келадиган, соҳага оид халқаро ҳужжатлар талабларини миллий қонунчиликка сингдиришни, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни мақсад қилган. Бундан ташқари, табиатдан фойдаланиш соҳасида "ифлослантирувчи тўлайди" тамойилига асосан, иқтисодий механизмларни жорий этишни яхлит тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишни кўзда тутиш керак. Яна трансчегаравий тусдаги зарарли таъсирларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда атроф-муҳитга ва аҳолининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди. Бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини оширишга кўмаклашиш муҳим, албатта.

Шу билан бирга, партияимиз экологик масалалар юзасидан қарорларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ҳамда аҳолининг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ инobatга олинишини таъминлашни назарда тутаяди.

**Абдурахим ҚУРБОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон Экологик партияси аҳолининг экологик хавфсизлик

стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уни рўёбга чиқариш ташаббуси билан чиқмоқда. Зеро, экологик хавфсизликни, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини ҳамда соғлигини сақлашга оид экологик ва санитария нормаларига риоя этилишини таъминлаш аҳоли саломатлигининг муҳим омилдир. Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан экология, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда экологик ва санитария нормаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорларни, давлат дастурларини амалга ошириш ишларини фаоллаштиришдан ва унинг бажарилишини таъминлашни назоратга олишдан иборатдир.

Бунда парламент ва жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланган ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш керак. Жумладан:

1. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида экологик хавфсизлик, биринчи навбатда, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини таъкидлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ўтуғи бўлганлигини алоҳида эътироф этдилар. Шунга мувофиқ Орол экологик фожiasi оқибатларининг Оролбўйи аҳолиси ва атроф-муҳити учун салбий таъсирини юмшатиш, мамлакатнинг бошқа экологик нуқулдай ҳудудларида табиий муҳитни соғломлаштириш борасида қабул қилинган қарорлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш.

2. Табиатни муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, сув ва ундан фойдаланиш, ер, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндилар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишига кўмаклашиш.

3. Фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва ҳудудларда каналзация тармоқларини ривожлантириш, санитар тозалаш ҳамда чиқиндиларни йиғиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини самарали ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижросини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш асосий вазифаларимиздандир.

**Абдуғаффор НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси:

— Ўзбекистон Экологик партияси бошқа сиёсий партияларнинг қарашлари ҳамда мақсад-вазифаларини инкор этмаган ҳолда биринчи навбатда барча сиёсий, мафкуравий кучларни она табиатни асраб-авайлаш, Ватанимизнинг табиат неъматларини келажак авлодларга етказишдек бурж ғоя атрофида биужлашишга чақиради. Тан олиш керак, тобора глобал тус олаётган, замон шиддат билан ривожланаётган даврда бир қатор экологик муаммолар юзга келмоқда. Бундай муаммоларнинг ўз вақтида олдини олмаслик, бепасандлик билан қараш оқибатида сув ва ер ресурсларига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генотипига салбий таъсир кўрсатди. Биологик хилма-хиллик қисқарди. Атроф-муҳит ифлосланиши, сув тақчиллиги, иқлим ўзгариши каби долзарб масалалар кун тартибига чиқдики, булар ўз навбатида инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмаяпти. Мана шундай муаммоларга қарши курашиш, уларни босқичма-босқич ҳал этиш борасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг сайё-ҳаракатларини бирлаштириш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Шу маънода ушбу янги партия мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш, муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари ҳамда юзга келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда жамиятнинг турли қатламларига мансуб фуқароларни бирлаштириш ҳам муҳим, албатта. Эътироф этиш лозимки, бу йўлда партия кўплаб хорижий давлатларнинг таърибасини, муаммоларни ҳал этишдаги ҳаракатларини чуқур ўрганган. Буларни амалиётга жорий этиш, қўллаш учун етарлича кўникама ҳам эга. Партия ўз дастурий вазифаларини, сайловолди сиёсий позициясини амалга оширишда, унинг дастурий мақсад-ғояларини қўллаб-қувватлайдиган, ўз фаоллиги билан Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли соғлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган туб ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик таърибасига эга бўлган ва бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фуқароларга таянади. Ҳайлимизки, сайловчиларимиз ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш муҳимлигини яхши англайдилар.



Ўзбекистон Экологик партияси — Сиз билан бирга.  
Ушбу партиядан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

Бош муҳаррир

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган  
хатлар доимий  
эътиборимизда бўлади.  
Мақтубларингизни  
кутамыз.

Адади: 3840  
Бурутма — V-3949

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими:  
(0-371) 244-32-88

Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташкilotлар  
учун — 233

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurryyat@mail.ru; info@uzhurryyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиж: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмаҳонасида chop этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

HURRIYAT

Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан  
рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.  
Баҳоси келишидан нарҳда

1 2 3 4 5